



## Бозорни тўлдириш мақсадида

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов шу йил 25 декабрда «Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиш кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонни имзолади.

Мамлакатимиз истеъмол бозори мунтазам тўлиқ бўлишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, товарлар айрим турларини қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетишининг олдини олиш зарурати ушбу фармонни қабул қилишни тақозо этди.

Фармонда айрим товарларга импорт бож тўловини 1999 йил 1 январдан бекор қилиш кўзда тутилган. Бу аввало юридик шахслар республика ҳудудига олиб келаётган чорва моллар ва парранда, гўшт, сут, балиқ ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, шунингдек, чой, дон, ун, ёрма, сариёғ ва мой, болалар овқатлари таалуқлидир. Мамлакатга келтириладиган шаккар, витаминлар ва провитаминлар, табиий ва синтез йули билан олинган гормонлар, ан-

тибиотиклардан ҳам бож олинмайди. Чарм ва чарм хомашёси, кирсовун, фармацевтика маҳсулотларининг айрим турларини импорт қилувчилар учун ҳам шундай имтиёз белгиланган.

Айни пайтда Фармонда мамлакатимиздан ташқарига экспорт қилиш тақиқлаб қўйилган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетишининг олдини олишга доир чора-тадбирларга алоҳида эътибор берилди. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари, кишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа бир қанча товарларнинг нархи қўшни давлатлардагига нисбатан икки-уч баробар арзонлиги сир эмас. Шу муносабат билан Ўзбекистон ҳуқуқ-тартибот, божхона хизмати органлари республикаимиздан ташқарига озиқ-овқат маҳсулотларини қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетишга уриналиш қўлайганини қайд этди. Биргина Тошкент вилоятида шу йилнинг 11 ойидан бери икки ишлар божқармаси ходимлари 62 миллион сўмликдан кўпроқ озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моддий бойликларни ушлаб қолдилар. Бунинг устига одамлар учун ҳаётий зарур

бўлган ва четта чиқариш таъқиқланган маҳсулотларни - нон ва гўшт, шаккар ва унни олиб чиқиш кетишга уриналишмоқда, ушлаб қўлинган товарларнинг анчагина қисми дори-дармонлардан иборат.

Республикаимиз озиқ-овқат маҳсулотлари бозорига пўтур етказувчи бундай гайриқонуний бизнеснинг олдини олиш учун, шунингдек, мамлакатимиз божхона чегараларини янада мустахкамлаш учун республика Давлат божхона қўмитасига, Ички ишлар вазирлигига ва Миллий хавфсизлик хизматига бундай товарларни қўшни давлатлар билан чегаралардаги дала йўллари ва айланма йўллар орқали қонунга хилоф равишда олиб кетиш устидан назоратни кучайтириш, бунинг учун кўчма божхона постларини қўлайтириш топширилди. Айни пайтда республикадан ташқарига экспорт қилиш тақиқланган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиш кетиш, шунингдек, импорт қилинадиган товарларнинг сотишининг белгиланган тартибини бузганлик учун ҳам юридик, ҳам жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини ошириш кўзда тутилган.

(ЎЗА)

### Бугуннинг гапи

## Янги паспорт олдингизми?

Мамлакатимизда Ўзбекистон фуқароси паспорт аналга киритилганига тўрт йил бўлди. Утган давр мобайнида Тошкент вилоятида 1 миллион 408 мингдан зиёд кишининг паспортни алмаштирилди. Мустақилликнинг саккиз йиллик байрамига вилоятдаги барча балоғат ёшидаги аҳоли ана шу бахтга муяссар бўлади.

Вилоятда паспорт ислохоти юзасидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирга ҳар томонлама етук, билимдон ва фидойий ёш кадрлар жалб этилган, иш жараёнида замонавий компьютерлардан кенг фойдаланилаётган. Айни вақтда паспорт хизматлари биноларини давр талаблари даражасида қайта таъмирлаш, жиҳозлашга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Олмалик шаҳри ва Тошкент туманида янги биноларнинг қуриб фойдаланишга топширилгани, Янгийул ва Оққўрғон туманларида ана шундай масканлар жадвал кўд ростилашнинг ҳам фикримизга яққол мисол бўла олади. Бундай қўлайликлар натижаси уларок, йилнинг утган даври мобайнида режадагидан анча кўп, 289 минг фука-

рога янги паспорт берилди, фуқаролик ишларини тез ва соз расмийлаштириш имконияти туғилди. Зеро, вилоятда паспорт ислохотини амалга ошириш, ҳудудда паспорт тизими қўйдаларига риоя этилишининг аҳолини ўрсатиб чиққан муваққаслар бу борада ижобий хулосага келдилар.

Юртдошларимиз янги паспортнинг амалдаги афзалликларини яққол ҳис этмоқдалар, - дейди вилоят Ички ишлар божқармаси хорижга чиқиш, кириш ва фуқаролик бўлими бошлиғи вазифасини бажарувчи Алишер Тошметов ЎЗА мухбири билан сўхбатда. - Хусусан, бу ҳужжат эгалари эндиликда бошқа мамлакатларга сафар қилиш осонлашганидан мамнун бўлишмоқда.

Мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилиги бугунги кунда Ўзбекистон фуқароси деган шарафли паспортга эга. Бирок нафақахўрлар, ногиронлар ҳамда эҳтиёжман оилалар аъзолари ҳужжат алмаштиришда бироқ қийналиб қолаётгани табиий. Вилоятда ана шу тоифа фуқароларга бу борада зарур имтиёзлар яратиб берилаётганини диққатга сазовор. Хусусан, паспорт алаштиришдаги

Незмат ДУШАЕВ,  
ЎЗА мухбири.

## «ФИДОКОРЛАР» ПАРТИЯСИ

Тошкентда янги сиёсий ҳаракат - «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг Таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда ташаббускор гурӯҳ аъзолари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан сайланган делегатлар иштирок этдилар.

Конференцияда партия Дастури ва Низоми лойиҳалари муҳокама қилиниб, қабул қилинди. Шунингдек, анжуманда партиянинг Марказий Кенгаши, Марказий назорат ва тафтиш комиссияси сайланди, партиянинг «Фидокор» газетаси таъсис этилди.

Шу кун партия Марказий Кенгашининг биринчи ташкилий йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгаш ихроия котибияти сайланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директорининг уринбосари Эркин Норбутаев «Фидокорлар» миллий демократик партияси Бош котиби этиб сайланди.

Конференцияда республикамизда жомоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситалари мухбирлари қатнашди.

(ЎЗА)

Ислам КАРИМОВ:  
Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт!

## ОТ БОСМАГАНИ ТОЙ БОСАР

Муаррихларнинг гувоҳлик беришича, Христофор Колумб Америка қитъасини юртдошларимиз ал-Беруний ва ал-Фарғонийларнинг илмий фарази (гипотезаси)га суянган ҳолда кашф этган. Бейхатир ўйга толасан киши: донгиз ва умумлардан жуда олисларда шаввалуд тоғдан ажодларимиз катта сув ортида шундай замин борлигини қандай билдилар экан? Буларнинг ҳаммаси билимдон, илмининг зўрлигидан, халқ ҳақосининг чек-чегара билмаслигини, албатта. Унга озгина эрк берилса бўлди, жўшиб-жўшиб оқверади...

Кунги кеча Вазирил Маҳкамасидада жамлида давлатимиз раҳбари ўта муҳим масалалар қаторида кадрлар тайёрлаш миллий дастури бўйича академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари қурилиши жаддалаштиришга оид зўдлик билан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ўртага ташлаганликлари ҳам бежиз эмас.

Жуман бобо қурдирган мактабда олиб, ундан сўнг юкери синфларни бир неча чақирим наридаги яна бошқа мактабда ўқитганим, йул азоби - гур азоби эканлигини бошимдан кечирганим учунми - мактаб бунёд этиш фикри ҳали олий маънавият ағси бўлмабди, ақлу-хушимни ўғирлаган эди. Сирдарё педагогика институтини сирдан битиргач, бу иштиёқ мени багтар ўз домига тортиди. Яхши ният билан ҳовлимига 200 тул терак қаламчиси экдим...

Умр - оқар дарё, деганлари рост экан. Ҳаш-паш дегунча ниҳоллар буй кўрсатиб қолди. Бу орада кишлоқ ҳам гавжумлашиб, айниқса оёғлар ёш болаларининг олисга қатнаб чарчаб қолаётганликларидан нолий бошлашган, теракларнинг бир қисминини қосдириб ишга киришиб кетди. Лой қордим, гишт қўйдим, пахса урдим. Хуллас 1990 ўқув йилим Лопоқ қишлоғи (ҳозир «Наврўз» деб аталадиган) кичкинтойлари 47-мактабининг янги филиали - икки хонали синфда бошладилар.

Бу ишлар орасида «Алифба» ва «Ўқиш» дарсликлари муаллифи, услубчи олима Кумри опа Абдуллаева билан учрашиб йўл-йўриқлар олдим. Халқча опа билан телефон орқали боғлиқ маслаҳатлашиб тураман.

Албатта, бир ўзимнинг кучим ҳеч қаерга етмайди. Ташаббусимнинг кенг қанот ёзилида шубҳасиз «Соҳибкор» ширкат хўжалиги бошқарувининг кўмаги катта. 1995 йили хўжалик маъмурияти бир гектар сувли ер сўраб берган аризамни қоншишимиз билан фахрланишни истасак - улар замонавий билан ва тахрибга эга, йилмонли-этиқодли бўлишлариға, ватанимиз тарихида уммас на қолдирган буюк аждодамизнинг ишларини давом эттиришлариға эришишимиз лозим.

От босмаганини той босади, деган нақл бор халқимизда. Зеро, бугун биз таълим бераётган ёшлар биздан ҳар жиҳатдан илгарилик кетишлари шубҳасиз. Бунга мамлакатимизда барча имкониятлар мавжуд.

Х.АВВАЛОВ олган сурат.

Мактабимизда жами 1448 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг тенг ярими 28 та гимназия синфларида ўқийди. Қатор фанлар - математика, она тили ва адабиёт, чет тили, тарих, кимё, биология, география чуқурлаштирилган ҳолда ёш авлод онгига сингдирилмоқда. Бунда 19 нафар олий ва 43 нафар биринчи тоифали, жами 93 нафар ўқувчиларимиз жонбозлик кўрсатиб астойдил ишлабтирлар. Энг муҳими, улар шоғирдларининг илмга бўлган чанқорини қондириб учун ўзлари ҳам тинимсиз ўқиб-ўрганишлари, малакаларини ошириб боришларини яхши тушунадилар.

Кези келганда, ўзимни қўлайтаган бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Маълумки, ҳозир қарийб барча ўқув юртлари қошида лицейлар фаолият кўрсатаётган. Улар мактаб ва дорилфунунлар ўртасида ўзига хос кўп-кўп бўлиганини табриқлаган ҳолда, ушбу лицейлардаги ўқув халқ таълими тизимидан ташқарига амалга оширилганлиги, бу эса кечанига мактаб ўқувчи билан ўқувчиларини кўтариб даражада кўнма ҳосил қилишлариға ҳалал бераётганлигини таъкидлашни истардим.

Шунингдек, бундан буюн қуриладиган лицей ва коллежлар биносидан миллий услублар ва бўёқлар ўз аксини топмоқ лозим. Бу ушбу билим масканларидан қўйибган ёшларда ўзликини аниглаш тўғрисида шаклланишиға ўзига хос омил ҳам бўлур эди.

Мамлакатимизда жами 1448 нафар ўқувчи таълим олади. Уларнинг тенг ярими 28 та гимназия синфларида ўқийди. Қатор фанлар - математика, она тили ва адабиёт, чет тили, тарих, кимё, биология, география чуқурлаштирилган ҳолда ёш авлод онгига сингдирилмоқда. Бунда 19 нафар олий ва 43 нафар биринчи тоифали, жами 93 нафар ўқувчиларимиз жонбозлик кўрсатиб астойдил ишлабтирлар. Энг муҳими, улар шоғирдларининг илмга бўлган чанқорини қондириб учун ўзлари ҳам тинимсиз ўқиб-ўрганишлари, малакаларини ошириб боришларини яхши тушунадилар.

Кези келганда, ўзимни қўлайтаган бир фикрни ўртага ташламоқчи эдим. Маълумки, ҳозир қарийб барча ўқув юртлари қошида лицейлар фаолият кўрсатаётган. Улар мактаб ва дорилфунунлар ўртасида ўзига хос кўп-кўп бўлиганини табриқлаган ҳолда, ушбу лицейлардаги ўқув халқ таълими тизимидан ташқарига амалга оширилганлиги, бу эса кечанига мактаб ўқувчи билан ўқувчиларини кўтариб даражада кўнма ҳосил қилишлариға ҳалал бераётганлигини таъкидлашни истардим.

Шунингдек, бундан буюн қуриладиган лицей ва коллежлар биносидан миллий услублар ва бўёқлар ўз аксини топмоқ лозим. Бу ушбу билим масканларидан қўйибган ёшларда ўзликини аниглаш тўғрисида шаклланишиға ўзига хос омил ҳам бўлур эди.

## Муносабат

кур дастур вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланган.

Ешларда меҳнатга кўнма ҳосил қилиш, касб-малакаси, маҳоратни ошириш мақсадида, қоллаверса, моддий базани мустахкамлаш учун 20 гектар ер майдони ажратилиши ҳам кўзда тутиляпти. Ушбу юмушга вилоят бўйича киришилган. Яна шуни ҳам айтиб қўйиш лозимки, туманлар ҳокимликлари қарорлари билан коллежлар қурилиши учун энг қулай жойлар танланмоқда.

Сирасини айтганда, таълим тизимидаги ислохотларнинг келажакда катта самара бериши учун вилоятда барча куч-имкониятларни ишга солиш даркор.

Сухбатдош:  
Ш. НУРИЛЛАЕВ.

кур дастур вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланган.

Ешларда меҳнатга кўнма ҳосил қилиш, касб-малакаси, маҳоратни ошириш мақсадида, қоллаверса, моддий базани мустахкамлаш учун 20 гектар ер майдони ажратилиши ҳам кўзда тутиляпти. Ушбу юмушга вилоят бўйича киришилган. Яна шуни ҳам айтиб қўйиш лозимки, туманлар ҳокимликлари қарорлари билан коллежлар қурилиши учун энг қулай жойлар танланмоқда.

Сирасини айтганда, таълим тизимидаги ислохотларнинг келажакда катта самара бериши учун вилоятда барча куч-имкониятларни ишга солиш даркор.

Сухбатдош:  
Ш. НУРИЛЛАЕВ.

## КЕЛАЖАК ОЛДИДА МАСЪУЛМИЗ

Ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да академик лицейлар ва касб-хўнар коллежлари тизимини яратиб биринчи галдаги вазифаларни эҳсанлиги қайд этилган. Унинг ижроси Сирдарё вилоятида қандай таъминланаётганлиги ҳақида мухбиримиз вилоят ўрта махсуд ва касб-хўнар таълими божқармаси бошлиғи Халил Тўраев билан сўхбатлашди.

Мамлакатимизда ёш авлод тарбиясида муҳим масалага гоят жиддий ёндашилганлиги қувонarli ҳол. - дейди Х.Тўраев. - «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилганлиги бу борада жиддий бурилиш ясаи имконини яратди. Республика Вазирил Маҳкамасининг шу йил 23 сентябрдаги «1999-2005-йилларда академик лицейлар ва касб-хўнар коллежларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда маблағ билан таъминлаш дастури тўғрисида»ги қарори ислохотнинг бош мезонидир. Орзу-умидларимиз ушалишини, юксалишининг юкери чўқалишиға қизиқини истаган ҳар бир фуқаро қонун ижросининг муқамал бўлишиға ҳисса қўшиши шарт. Бизнинг вилоятимизда 331 та умумтаълим мактаблари мавжуд бўлиб, ҳар йили 14 мингга яқин ёшлар 9-синфини тугаллашади. Маз-

10 та касб-хўнар, 4450 ўринли 7 та ўрта-махсуд таълим ўкув юртлари бор. Келажакда улар ихтисослаштирилиб, касб-хўнар коллежлариға айлантирилади. 42 та коллеж эса янгидан бунёд этилиши даркор. Шунингдек, қурилиши ниҳоясига етмаган иншоотлар ҳисобидан 2256 ўринли 4 та коллеж барпо этилди. 500 ўринли мактабларнинг бири қайта таъмирланиб, коллежга мосланади. Айни пайтда Гулистон шаҳридаги касб-хўнар лицейи коллеж талабалари асосида қайта қурилди. Ҳозир у талабга тўла жавоб бера олади деб айтиш мумкин. Шунингдек, биз ешларнинг 9-синфдан сўнг академик лицейда ёки касб-хўнар коллежга таълим олишларини тўла таъминлаш мақсадида барча юмушларни босқичма-босқич бошлаб юбордик.

**Касб-хўнар коллежлари очишдан мақсад ўқувчиларни бирон-бир ихтисос бўйича тайёрлаш назарда тутилади. Сирдарё ешларини ўқитиш кўзда тутилган соҳалар билан таништириб ўтсангиз?**

- Халқимизда «етти ўлчаб бир кес» деган нақл бор. Шу боис шароитдан келиб чиққан ҳолда вилоят халқ хўжалигининг 1998-2005 йилларга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастуриға асосланиб, ҳудудда эҳтиёж катта соҳа-

## Муносабат

кур дастур вилоят ҳокимлиги томонидан маъқулланган.

Ешларда меҳнатга кўнма ҳосил қилиш, касб-малакаси, маҳоратни ошириш мақсадида, қоллаверса, моддий базани мустахкамлаш учун 20 гектар ер майдони ажратилиши ҳам кўзда тутиляпти. Ушбу юмушга вилоят бўйича киришилган. Яна шуни ҳам айтиб қўйиш лозимки, туманлар ҳокимликлари қарорлари билан коллежлар қурилиши учун энг қулай жойлар танланмоқда.

Сирасини айтганда, таълим тизимидаги ислохотларнинг келажакда катта самара бериши учун вилоятда барча куч-имкониятларни ишга солиш даркор.

Сухбатдош:  
Ш. НУРИЛЛАЕВ.

З.РИХСИЕВ.

### Касаба уюшмаси фуқаро ҳимоячиси

Мухторжоннинг роса боши котган. Тўнғич фарзанди Раулжоннинг уйлантириш керак. Аллақачон армия хизматини ҳам ўтаб қайтди. Кенжа фарзанди Раҳимжон эса ҳадемай мактабга боради. Унинг кўлини ҳалоллаш ҳам қарз, ҳам фарз. Лекин тўй ўз-ўзидан бўлмайди-ку. Хуллас, кейинги пайтларда эр-хотин тувлари турли ўй-режалар билан уйқулис ўтказишарди.

Охири, Мухторжон раисга учраб, маслаҳатлашадиган бўлди. Носир Отаханов уни илиқ кутиб олди. Гапларини диққат билан тинглади. Сухбат якунида эса шундай деди:

«Мен шароитингизни, режаларингизни тушундим. Биз ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси билан тузган жамоа шартномамизда кам даромадли ва кўп болали оилаларимизни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида эътибор берганмиз. Шунинг учун касабакўм раиси Мўминжон Умаровга учрасангиз. Касабакўм ўз йўналишида бу масалани кўриб чиқиб фикр билдирса, шунга қараб маслаҳатлашамиз.

Мухторжоннинг кўнглига ёруғлик тушди. Мўминжон ака қаергадир зарур юмуш билан кетган экан, кечқурун тоғди. Қачонлардан бери ич-ичини тирнаётган дардини ёзди. Касабакўм раиси Мухторжонни эътибор билан тинглади. Ён дафтарчасига нималарнидир битди. Кейин қандайдир мулоҳазалар бордини, анчагинача жим қолди.

Сўнг илтимос ўрганиб қўрилишни, иложи бори-ча кўмак кўрсатилишини билдириб кузатиб қўйди.

би янада завққа тўлди. Аслида икки - уч кундирки бир оёғи шу ерда. Ҳўжалик бошқаруви раиси Н.Отаханов:

«Менинг ишлаб чиқариш билан қанчалик бандлигимни биласиз. Шунинг учун тўйни ўзингиз бош бўлиб ўтказасиз. Қандай касалик бўлса, қонуний асосда хал қила берасизлар, деб таянган.

Мухторжоннинг ховлиси файзу тароват касб этган. Чунки тўла таъмирдан чиқарилган. Таъмирлаш иш-

тантанали равишда уза-ти ҳам одат тусига кирган. Аслида бу жамоа шартномасининг алоҳида бандида ўз ифодасини топган.

Масалан, 1998 йилнинг ўзида 24 нафар киши нафақага узатишган бўлса, уларнинг ҳар бирига ҳўрмат - эътибор кўрсатилди. Пенсияга чиқабганлар учун унутилмас кўнда дастурхонлар ёзилди. Тўман ва ҳўжалик бадий ҳаваскорлик гуруҳларининг чиқишлари ташкил этилди. Ҳўжалик бошқаруви ва касаба уюшма кўмитаси маблағлари ҳисобига бир сидра кийим-бошлар тайёрланди. Касабакўм тақлифига кўра нафақага чиқувчиларнинг ҳар бирига бир йўла етти-саккиз ойликдан ўртача маошлар микдорига пул берилди.

Албатта, юқоридагилардан хулоса қилиб гап фақат моддий қўллаб-қувватлашда экан-да, деб баҳолаш хато бўларди. Лекин бугунги ўтиш даврининг вақтинчалик юзга келтириётган қийинчиликларни ҳаётга тийрак равишда, даъват этар экан, демак, биз қуруқ ваъзхонлик билан шугулланганда кўра одамларнинг иложи бори-ча оғирини енгил қилишимиз, уларнинг оиласи билан тинч ва осойишта яшашлари, яхши ва ташвишли кўнлариди мўмин қадар мададқор бўлишимиз лозим.

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ишонч» мухбири.

## ТАЪЗИМ СИЗГА, ЯХШИЛАР

шилдики у яшаётган маҳалла оқсоқоллари, маҳалла кўмитаси раиси тақлиф-мулоҳазаси инobatга олинadиган бўлди.

«Ҳақиқатан, Мухторжон оиласига ҳозир осон эмас, дейишиди нурунийлар. Оилада бир этак бола. Хотини Бибисора касалманд. Бу йилги мавсумда болалар билан аранг бир кўти кўрт тутишга яради, холос. Яхшиямки, армияни битириб қайтган ўғли чор-ва фермасида ишлаб, рўзгорга ҳиссасини қўшапти.

Кўнгли пок одамнинг ишини худо ўзи ўнглайди, деганларидек, қарангки, тўй август ойига тўғри келди. Боғларда мевалар, поллизда қовун-тарвузлар га-рқ пийшган. Оқшомга яқин тўйқонага ташриф буюрган касабакўм раисининг қал-

ларини ҳўжалик қўрилиш бошқармасининг тўрт нафар чалдас аъзоси беш-олти кун ичида маромига етказди. Тўйқона дастурхонини беэаб турган нознеъматларнинг асосий қисми ҳўжаликдан келтирилди. Ёшлар кўмитаси билан хотин-қизлар Кенгаши ташкилий ишларини ўз зиммаларига олишди. Ниҳоят, расмийлаштириш, тўй кечасини уюштириш, санъаткорларни чорлаш каби юмушлар улар томонидан бажарилди.

Шундан кейин кўй қўшиққа, қўшиқ эса рақсга уланиб кетди. Уртага тушмаган кам қолди. Ҳатто, гоёт тортиноқ, тўрт киши йўғилган жойда оғиз очса гапини йўқотиб қўядиган Мухторжон ҳам давра айланди. Бунчалик тўй бў-

кан, тенгдоши Мухторжоннинг юрак-юрагидан чиқариб айтган ҳалиги гапларини эслади. Мўмин кишилар касабакўмнинг нималарга қодирлигини, бу жамоат ташкилотини уларнинг ҳақиқий ҳимоячиси эканлигини яна бир бор қўқур ҳис қилдилар.

Ҳўжалик бошқаруви касаба уюшма кўмитаси тавсиси талабига кўра бу борада бир мўнча ишлар қилаётганлиги айни мўндадоқдир. Масалан, шу йилнинг ўзида 12 та оилада суннат ҳамда никоҳ тўйларига кетган сарф-ҳаражатларнинг асосий қисми ҳўжалик ҳисобидан қўпланди.

Тағин бир диққатга сазовор жойи шундаки, кейинги вақтларда ҳўжаликда узоқ илг ишларларни меҳнат нафақасига

### Транспорт хизмати

Жамоат транспорт хизматига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Тезкорлик, вақтни тежаш нуқтани назардан ҳам транспортнинг аҳамияти катта. Афсуски, кейинги вақтларда жамоат транспорт фаолиятида депрессия ҳолати сезилмоқда. Мамлакатимиздаги кўп йиллар кесилган йиллик чорраҳалардан бири ҳисобланadиган Самарқанд шаҳрида бу ҳолат янада яққолроқ кўринад.

Бунинг албатта, бир қанча сабаблари бор. Ҳозирги кўнга келиб «Самарқандтранс» очик турдаги давлат ҳиссадорлик бирлашмасига қарашли қорхоналардаги кўпгина машиналар эскирган. Маълумотларга қараганда, ҳисобда турган теж машиналарнинг 92,5 фоизи, автобусларнинг 69,5 фоизи, енгил (такси) машиналарнинг 77 фоизи яроқсиз ҳолга келган. Техника паркинни янгилаш қийин кечаяпти. 1997 йилда 6 тагина, 1998 йилда атиги 7 та «ПАЗ» русумли автобуслар олинди. 1993-94 йилларда келтирилган «Bebe», «DAEWOO», «Mercedes-Benz» автобуслари эндиликда таъмирталаб бўлиб, эҳтиёт қисмлар таъминоти, сервис хизмати йўлга қўйилмаганлиги тўғайли туриб қояляпти.

Бунинг устига имконияти бор автобусларнинг йўлга чиқишига етарли микдорда ёқилғи берилмапти. Йилнинг ўтган 10 ойида талаб қилинадиган бензиннинг 76 фоизи, дизел ёқилғисининг 71 фоизи

бир қанча йўналишларда хусусий тадбиркорлик фаолияти йўлга қўйилди. Афсуски, адолат мезонларига амал қилинмади. Фойдаланиш мўддатини бир неча қарра ўтаб бўлган эски автобуслар янги-

мас ва микроавтобуслар қатнамодқа. Бу гапларда жон бор, деб ўйлаймиз. Чунки солиқчилар ва бошқа назоратчилар текшириш ўтказадиган кўнларда «хизмат кўрсатувчи» хусусий транспортлар со-ни кескин камайиб кетади.

Хўш, транспорт хизмати яхшилаш учун нима қилиш керак? Фикримизча, биринчидан, транспортчиларга дебитор қарзларни ундиришга ёрдам бериш талаб этилади. Иккинчидан, техника паркинни янгилашни жадаллаштириш имконини топиш шарт. Учунчидан, «чапақай» тадбиркорларнинг йўлини тўсиш ниятида патент асосида фаолият кўрсатадиган «Дамас»ларга махсус белги жорий қилинса ёмон бўлмасди. Биз бу борада бошқа вилоятларда қандай йўл тутилганлиги билан қизиқиб қўридик. Тошкент вилоти тажрибаси анча ибратли кўринади. Самарқанд ҳам ана шундай тадбир қўлланган. Самарқандда ҳам аниқ шундай тадбир қўлланган. Самарқандда ҳам аниқ шундай тадбир қўлланган. Самарқандда ҳам аниқ шундай тадбир қўлланган.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

## ДЕБИТОРЛИК ҚАРЗИ ЭНГ КАТТА МУАММО

зи, газнинг 26 фоизи олинган ҳолос. Транспорт қорхоналарининг маблағи йўқ. Дебитор қарзлар микдори жуда катта. Буғунга келиб, «Самарқандтранс» бирлашмасидан қишлоқ ва сув ҳўжалиги тизимидаги қорхоналар 119,5 млн сўм, «Узпахтасаноотсотиш» соҳасидаги ташқилотлар 58,2 млн сўм, «Уздонмаҳсулот» қорхоналари 54,4 млн сўм, «Узавтойўл» қорхоналари 41,8 млн сўм, турли даражадаги ҳокимиятлар 18,2 млн сўм қарз бўлиб турибди. Бунча аҳолида ишни сийрамай ўнглаб бўлмайди. Дебиторлик қарзларини тўламаётган қорхона раҳбарларига, ҳокимларга нисбатан ким чора қўлади? Ана шулар натижасида


сий тадбиркорлар эгаллаяпти. Натижада жамоат транспорт миқдорларининг катта қисмини йўқотди. Очиги, давлат хазинасига тушадиган пул камайди. Баъзи ҳисоб-китобларга қараганда, битта автобус бюджетга келтирадиган фойда хусусий «Дамас»ни-кидан 5-6 баробар зиёд экан. Лекин иложсизлик ту-файли ана шу даромад бошқа жойга тушапти.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш соҳасини хусусийлаштириш яхши самара беради. Бунга асло эътироз йўқ. Лекин рақобатда ҳам адолат бўлиши керак. Бир неча йиллар муқаддам Самарқанд шаҳар ҳокимлиги тақлифи билан танлов ўтказилиб,



Бугунги кўнда Янгийўл шаҳридаги «Кичкинтой» ҳиссадорлик жамиятида жажжи болажонлар учун мўлжалланган ихчам, бежирим ва арзон пойфазаллар ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган. Бугунга қадар ушбу қорхонада қарийб 35 миллион сўмлик болалар пойфазали ишлаб чиқарилиб аҳолига сотилди. Келгусида эса уларнинг сифатини янада яхшилаш мақсадида Австралиялик ҳамкорлар қўша қорхона ташкил этиш учун тайёргарлик ишлари олиб бормоқдалар. Суратда: ярим автомат дастохни ишчиси Ойбек Холдоров ҳамда ишчи Насиба Юсупова.

Х. МИРЗАКАРИМОВ олган суратлар.



Алпомш унинг-ўсган юрт - Бойсун қадим замонларда ҳам обод, фаровон юрт бўлган. Ахир, ўша замонларда янтоқдан шакар олишган-да!

Мустиқилликнинг дастлабки йилларидаёқ Бойсунда ҳам мулкчиликнинг нодавлат шакли томир ота бошлади: жамоа ҳўжалиқларидаги қорамолчилик фермалари талабгор тадбиркорларга қимомши савдосида сотилди. Шу тариқа ҳиссадорлик жамиятлари вужудга келди. Аммо, уларнинг на акциялари, ва на акционерлари бор эди.

Мустиқилликнинг ўша қалдирғочлари умуман олганда, замоннинг синовларига бардош беролмади. Чунки, мулкчилик шакли, қўрилиши янгича бўлгани билан, унга бўлган таъқиқ муносабат эскича эди. Шунинг учун ҳам ўтган беш-олти йил ичида уларнинг кўплари тугаб кетди.

Нормурод акадай мулкдорларнинг ваколатли ҳомийси Хидир Чоршанбиевнинг ишонтиришича, «Ёмчи» - моллар бош соғи ва маҳсулот етиштириш ҳажмининг бир маромдаги барқорорлигини таъминлай олган ягона жамоа экан. Энг муҳими, «Ёмчи»нинг фаолиятини кузатсангиз унинг бирор жиҳатига эътироз билдирилмасиз: санирлар бузоқлаяти, молхона саранжом, 200 гектардан зиёд майдон қишин-ёзин озўқабоб экинлар билан

## БОЙСУНЛИК ФЕРМЕРЛАР

Айрим тадбиркорлар нега бозор синовидан ўта олмаяптилар?

банд, истеъмолчилар ҳам хурсанд. Жамоа ҳатто Термиздаги «Кўзғу» жамоатчилик телевидениесига ҳам ҳомийлик қилди.

Жамоада меҳнат қиладиган 42 нафар кишининг ойлик даромади 5 минг сўмдан ошиб кетган бўлса... Масалан, ўтган ўн ойда «Ёмчи» 180 тонна сўт, 11 тонна гўшт, 152 тонна дон, 430 тонна бекта пичани, 500 тонна сенаж, 152 тонна сомон, 17 тонна пахта етиштирди. Санирларнинг эса 72 таси бузоқлади. Мен сизга айтсам буларнинг ҳаммаси тоғли Бойсун шароитида ажой-

иб кўрсаткичлардир. (Пахта деганига ҳайрон бўлманг: «Ёмчи» бу йил биринчи марта 10 гектарга «Юлдуз» навини эқди ва 17 центнердан ҳосил олди). Ишлар юришиб кетганда, бултур у фермер ҳўжалигига айлантирилди. Бу йил августнинг охиридаги синовлардан ҳам муваффақият билан ўтди.

Айтмоқчи, бу йил «Ёмчи» «Тико» олдди: Нормурод ака зингиллатиб ҳайдаб юрибди.

Ҳозир эўр бериб чет эллардан ҳамкор изланмоқда. Олдинги уринишлар зоё кетди - Бойсун шароитида хорижга маҳсулот сотишнинг имкони йўқлиги тўғайли ижозат бўлмади. Аммо, Нормурод ака бўш келмоқчи эмас.

Аммо, Бойсунда ижтимоий фикр қанчалик илгор бўлмасин, ҳамма мулкдорларнинг ҳам ишларини «беш!» деб бўлмайди. Масалан, урилиб, сурилиб, шу йилнинг ёзига келиб, туманда 75 та дехқон фермер ҳўжалиги

ладиган, тадбиркор, тажрибали кадрларга, юрт оғаларига кўп жиҳатдан боғлиқлиги, масаланинг муҳим-иккинчи томонида. Шундай қалби дарё инсонлардан бири Сотимбой Айтибобоевдир.

«Сотимбой жўшқин меҳнат фаолиятини Тошкентдаги махсус алоқа билим юртини битказган. Тўрткўл шаҳар алоқа тармоғида оддий монтер бўлиб ишлашдан бошлади. Кейинчалик нуфузли идораларда фаолият кўрсатди. Кишилар билан ишлаш, улар қалбига йўл топишдек ҳислатларни худди шу даргоҳларда ўрганди. «Ленинград» (ҳозирги Фани Одилов номи) жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси бўлиб ишлаган даврда ҳўжалик барча соҳаларда режаларни урдалаб, иқтисодий жиҳатдан анча бақувват бўлиб олди. Жамоа аъзоларининг турмуши анча яхшиланди. Маданий-маърифий ишларга эътибор кўчайтирилди.

С.Айтибобоев 1979-84 йилларда Эллиққалъа туманида ижроия кўмитаси раисининг ўринбосари бўлиб ишлаганида, «Қишлоққимё» бирлашмасини бошқарганда ҳам етук ташкилотчи сифатида қўнчилик меҳрини қозонди.

Мана, ўн тўрт йилдирки, Сотимбой оға Эллиққалъа тумани дехқончилик саноати мажмуи ҳодимлари касабакўм раиси сифатида баракали меҳнат қилиб келаётир. У 40 йиллик меҳнат фаолиятида ҳаққоний равишда халқ меҳрини қозониб билан бирга бир қаторда, турмуш ўртоғи Кумрихон билан гоёт ибратли, муштажам оила кўрго-

## ЭВГУАЛИК

Кейинги йилларда «Эллиққалъа ибрати» деган ибора тез-тез тилга олинadиган бўлди. Сабаби бунёдкорлик дастури изчил амалга ошириляпти

кистон харитасида янги истиқболли Эллиққалъа деган туман пайдо бўлди.

Эллиққалъа тумани имкониятларининг янги-янги қирраларини айнақса, мамлакатимиз мустиқилликка эришгандан кейин очила бошлади. Бўстон шаҳрида мамлакатимиздаги йирик саноат мажмуаларидан бири «Элтекс» 1994 йил 24 ноябрда фойдаланишга топширилди. Қўриқ туманида 1995 йил январ ойидан эътиборан Ўзбекистонда биринчи бўлиб ерлар ҳақиқий эгаларига, яъни 1935 нафар фермерларга қонуний равишда узоқ мўддатли шартнома асосида берилиб, дехқон-фермер ҳўжалиқлари ташкил этилди. Вазирилар Маҳкамаси бу ибратли тадбирни қўллаб-қувватлаб махсус қарор қабул қилди. Бу иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришда қўйилган дадил қадам бўлди. Самардорлик ортиди. Меҳнаткашларни қафолатли ижтимоий ҳимоя қилиш учун кенг йўл очилди. Биргина мисол, ҳозир Эллиққалъа туманида жами 250 ўринли А. Навоий номи, «Сарибий», Оқчакўл санаторий профилакторийлар мунтазам ишлаб турибди. Бу сиҳаттоҳларга Қорақалпоғистоннинг барча бурчақларидан меҳнаткашлар келиб саломатликларини тикламоқдалар.

Шу кўнларда Оролбўйи худудидаги энг сўлим гўша-Оқчакўл соҳилларида 750 ўринли сиҳаттоҳлар мажмуи, умумий қиймати 8 миллион АҚШ доллари микдоридаги халқаро «Орол болалари» оромгоҳи, Сарибий овулида 105 ўринли йирик шифохона қурилмоқда.

Фақат кейинги йилда Бўстон шаҳрида Хоразм воҳиси туманларида яқка-ю ягона ҳисобланган муштажам санъат саройи, мусика мактаби ва бир неча шифокорлик шохобчалари фойдаланишга топширилди.

Булар «Эллиққалъа ибрати»нинг атиги бир бўлағи, холос. Бундай ибратли ва хайрли ишларнинг рўйхатини хали анча давом эттириш мумкин. Бу-масаланинг бир томони. Аммо шундай хайрли, саҳоватли, авлодларга яхши эсдалик бўлиб қоладиган иморатларни бунёд этиш-албатта, ишининг кўзини би-

нини қуришга эришдилар. Ўғиллари Қамариддин, Жамолиддин, Аҳмаджон, Акбар ва Улуғбеклар олий маълумотли мутахассислар бўлиб етишишди. Ҳозир улар турли тармоқларда халқ хизмати йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Сотимбой Айтибобоев халққа виждонан хизмат қилди. Шунинг учун ҳам мамлакат Президентининг Фармонига биноан «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ҳодими» унвоинига сазовор бўлди. Бу инсон ҳозирги кўнда ҳам туман халқ ҳўжалик ривожини, меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўлида қучайратини, тажрибасини аямасдан самарали фаолият кўрсатаёпти. У раҳбарлик қилган касабакўм таркибида 40 та бошланғич ташкилот бўлиб, уларда 20 миңдан кўп касаба уюшмаси аъзолари бор. Бу-жуда катта қуч, албатта!

С. Айтибобоевни мевали дарахтга қиёслаш мумкин. Чунки, у муносив шогирдларни тарбиялаб вояга етказди. Фақат касаба уюшмалари ҳаётидан қиёслаб сўз юритадиган бўлсақ, Отабек Холиқов, Рейимбой Мамбетов, Қўчқор Юнусов, Ҳожибой Сапарбоевлар Ф. Одилов номидаги, «Қириқобод», «Сарибий», «Янги ер» дехқон ва фермер уюшмалари, Болтабой Матсапов «Эллиққалъа олтин толаси», Султон Ўрунов «Элтекс», Рўзимбой Қўчқоров МТП ҳиссадорлик жамиятлари касабакўмларига моҳирлик билан раҳбарлик қилаяптилар.

«Кўвонч-у ташвишларга бой бўлган 1998-«Оила йили» ҳам яқунланмоқда. Мустиқил мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Эллиққалъадаги қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарида ҳам яратувчанлик нияти билан келаси йилга пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу борада юртбошимиз Ислам Қаримовнинг халқ депутатлари Самарқанд ва Навоий вилоятлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган сермазмун нутқлари дастур-уламал бўлаётир.

Абду РАҲМОН, «Ишонч» мухбири, Қорақалпоғистон республикаси

қолган экан. Шунинг 36 таси ваколатли ҳайбатнинг синовларидан ўтолмади.

Тумандаги ҳар икки фермернинг бири қониқарсиз фаолият кўрсатаётган экан - бу гоёт ачинарли кўрсаткичдир.

Мени, ўша синовлари бутун ҳайбатни қойил қолдирган «Оқ булоқ» фермер ҳўжалигининг фаолияти билан таништиришди. Унинг 35 гектар ери бор. Бу фермер ҳўжалиги раҳбари Ашур ака Пардаевнинг 37 бош қорамоли, 72 бош қўйи, 70 та товуғи бор экан. Дехқон бозорига 2 тонна гўшт, 2 тонна қатиқ, 12,5 минг дона тухум сотаяпти. Йил охиригача яна бир тонна гўшт тайёрлаши мумкин экан.

Ҳозир туманда 40 дан зиёд фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Улар ўтган ўн ойда 33 тонна гўшт, 230 тонна сўт, 52 минг дона тухум, 246 тонна галла, 1,2 тонна жун, 33 тонна пахта етиштирди. Бу қутилгандек эмас албатта.

Бойсун фермерлари учун асримизнинг, ҳатто эра-мизнинг охириги йили қандай бўлади? Ҳозиргача улар бу саволга «Яхши бўлади!» деб жавоб беришмоқда. Биз эса «Айтганингиз келсин!» дейиш билан қаноат-ланамиз.

# ЯНГИ ЙИЛГА — МУСТАҲКАМ КАФОЛАТЛАР БИЛАН

Хавтимиздаги қийинчиликларни очик-ойдин гапирмаслик, юзага келган муаммоларни ошқоқра муҳокама қилмаслик, Президент Ислом Каримовнинг фикрича, собик советлар даврига хос бўлган алдоқчилик, кузбўчачилик иллатлари билан борабардир.

Шу маънода, мамлакатимиз раҳбарининг вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда сузлаган нутқида утиш даврининг бугунги мураккаб, ҳали ечимини топмаган ички муаммолари билан бир қаторда, ташқи салбий омиллар ҳам иқтисодий ислохотларимиз жараёнига жиддий таъсир қўришаётганини очик айтиш эътиборга олинди.

Бундай ташқи омиллар сирасига, аввало, Жанубий Шарқий Осиё, аниқса, Россияда авжа чиққан, бутун дунё молия тизимини издан чиқариб фалаж қилган иқтисодий инқироз кирди. Қолаверса, нутқда қайд этилгандек, жаҳон бозорида хомашё ресурслари, айниқса, мамлакатимиз экспортининг 60 фоизини ташкил қиладиган пахта, олтин, рангли металллар, нефть маҳсулотлари ва бошқа хомашёларнинг нархлари пайсайдан пайсайдан ташқари, 1998 йилда мулжалга нисбатан 800 минг тоннага яқин пахта хомашёси кам тайёрланганидан ҳам иқтисодимиз самардорлигига таъсир қилмай қолмади.

Аммо, бу ҳол фуқароларимиз уртасида ҳеч қандай

ваҳимага сабаб бўлмади керак, деди Ислом Каримов Олий Мажлисининг XIII сессияси ишлари ёриватган журналда билан мулоқот чоғида ана шу муаммоларга яна тўхталар экан.

Ўртбошимизнинг уқдиришича, гўёки 1999 йил қийин келармиш, нархлар ошармиш, сунинг қадри узгармиш қабилдаги миш-мишларни тарқатиб, баъзи бир чайқовчилар бундай булмағур гап-сузлар ҳисобидан узлари учун мумай даромад ишлаб олмақчи. Аслида, юзага келган иқтисодий муаммоларнинг уз вақтида олди олинаётганлиги борабардир, давлат томонидан мамлакат иқтисодий барқарорлигининг мустаҳкам кафолатлари таъминлаб қўйилган.

Президент Ислом Каримов мазмун-моҳиятини атрофлича тушунириб берган ана шу кафолатларнинг биринчиси — Ўзбекистон олтин-валюта захираларининг мавжуд миқдорига бориб тақалади. Ҳозирда бу захиралар 1998 йилнинг 1 январига нисбатан кам эмас, аксинча, ортиқдир. Давлатнинг олтин-валюта захираси камайганига, узи навбатидан, унинг қурби етарли эканидан далолат. Маълумки, халқаро тартиб-қоидалар та-

қазосига қўра, ҳар қандай давлатнинг захиралари ҳажми унинг уч ойлик импортини ташкил қиладиган даражадан кам бўлмагани керак. Ўзбекистоннинг мавжуд захираси 4-4.5 ойлик импортнинг, яъни хоридан маҳсулот олиб киришнинг кафолатини беради. Бошқа бир кафолат эса мамлакатимизда Давлат бюджети баланс асосида, яъни

## Фахр

даромад ва буромадни қатъий ҳисобга олиб тузилиши билан боғлиқ. Айрим қишн давлатлардан фарқи улроқ, мамлакатимиз парламентида қўрилган Давлат бюджети таркибига республика бюджети билан бир қаторда маҳаллий бюджетлар ҳам кирди. Йулбошимизнинг қайд этишича, бундай тартиб маҳаллий бюджетлар заифлашиб қолгудек бўлса, уларга уз вақтида республика бюджетидан ёрдам қўриштириш имкониятини беради. Мисол учун, ўқитувчиларга ёки шифокорларга маош тўлаш учун маҳаллий бюджетнинг маблағи етишмаса, биз ана шу харажатларни республика бюд-

жети ҳисобидан қўлаймиш, бошқача айтганда, қийин аҳволда қолган вилоятларни ҳеч қачон ёлғизлаштиб қўймаймиш, дейди Ислом Каримов.

Шунингдек, мамлакатимизда сунгги икки йил ичидида ишга туширилган кўплаб завод ва фабрикалар янги йилда уз қувватларини янада ошириб боришлари ҳамда ана шундай янгидан-янги, йирик корхоналарнинг яқин келажакда ишга туширилиши ҳам иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Охириги пайтларда республикада солиқлар тизимини такомиллаштириш, хусусан, солиққа тортиш жараёни соддалаштириш ҳамда солиқлар миқдорини камайтириш борасида бир қанча амалий ишлар қилина бошланди. Шубҳасизки, бундай чора-тадбирлар иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир қўришаётганини, молиявий барқарорликни кафолатлайдиган мўҳим омиллар сирасига кирди.

Мамлакатимиз раҳбари, шунингдек, халқаро ҳамжамиятнинг юртимизга нисбатан ишончини яна бир кафолат сифатида баҳолади. Яқинда Япония, Германия, Франция, Туркия мамлакатларининг ҳукуматлари келгусида ҳам Ҳ-

бекистон билан ҳамкорликни давом эттиришларини билдирдилар. Ислом Каримов келтирган рақамларга асосланган бўлса, ана шу мамлакатлар таклиф қилган биргаликдаги лойиҳалар буйича Ўзбекистон иқтисодиёти 1999 йилнинг узида 1 миллиард 200 миллион доллар ҳажмида хорижий сармояни ушлаштириши мумкин экан.

Шу уринда Ўзбекистон хорижий ҳамкорларнинг бунчалик ишончини қозониши бежиз эмаслиги хусусида тўхталиб ўтиш жоиз. Аввало, яқинлашаётган йилда мамлакат иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларида иқтисодий усиш таъминли яқроқ кўзга ташланди. Республика утган йилги олтин захираси ҳажми саклаб қолган ҳолда, йил охирида ижобий ташқи савдо ва тулов балансига эришди. Қатъий молия-кредит сийсати амалга оширилиши натижада инфляция даражаси пасайди.

Агарда ҳар қандай мамлакатнинг тулов қобилиятига нечоғлиқ қодирлиги унинг хорижий шериклар ишонига сазоворлигининг энг мўҳим шарти эканини назарда тутсак, Ўзбекистон 1998 йилда зиммасига олган барча ташқи тулов мажбуриятлари буйича уз вақтида ҳисоб-китоб қилишга муваффақ бўлгани, айниқса, диққатга лойиқдир.

«ТУРКИСТОН-ПРЕСС».



Моҳир педагог Дилоромхон Қўлдошева Оққўрғон туманидаги 46-ўрта мактабнинг бошланғич синфларига малакали дарс бериб келмоқда.

Х. АВВАЛОВ олган сурат.

# ОЛАМДА НИМА ГАП

● **ПЕКИН.** Япония ҳукумати Хитойда полиомиелит касаллигига қарши кураш борасидаги ишларни янада фаоллаштириш учун ушбу давлатга 700 миң АҚШ доллари миқдорини инсонпарварлик ёрдами қўриштиришга қарор қилди. Маблаг қасалликка қарши қўрилмайдиган дори харид қилишга сарфланади.

Икки мамлакат ўртасида бу борадаги ҳамкорлик 1991 йилда бошланган эди. Бу давр мубайнида Япония Хитойдаги касалликни назорат қилиш марказларини замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлашга қўмақлашиб келди.

● **ДЕХЛИ.** Ҳиндистон фақат мамлакат мудофааси учунгина уз ядро қуролини ишлаб чиқариш, деб баёнот берди Бош вазир Атал Бихари Вахпани хорижий журналистлар билан бўлган учрашувда. Унинг айтишича, Ҳиндистон доимо тинчлик тарафдори бўлиб келган ва унинг бирор мамлакат хавфсизлигига таҳдид солиши нияти йўқ.

Шунингдек, у Ҳиндистон қуролсизланган ва ядро қуролдан фойдаланмаслик тарафдори эканини ҳамда бу борада халқаро ҳамжамиятнинг барча мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришга тайёрлигини таъкидлади.

● **ТОКИО.** Япониянинг Киодо Цусин ахборот агентлиги нияҳалай бораётган йилнинг энг мўҳим воқеалари ҳақидаги фикрларни урганиш мақсадида оммавий сўров ўтказди. Унда иштирок этганларнинг кўпчилиги Осиё мамлакатларида юз бераётган молиявий инқирозни биринчи уринга чиқарган.

Рўйхатда иккинчи ўринни Ҳиндистон ва Покистонда ўтказилган ядро синовлари эгаллади. Билл Клинтон ва Моника Левински ўртасидаги ишқий моҳоро эса учинчи погонани эгаллади. Шунингдек, рўйхатдан Индонезия президенти Суҳартонинг истеъфо бериши, Россиядаги иқтисодий инқироз сингари мўҳим янгиликлар жой олган.

● **НЬЮ-ЙОРК.** АҚШда қўтилмаганда ҳавонинг кескин ўзгариши кўпчилигини шошириб қўйди. Айниқса, жанубий ва жануби-ғарбий ҳудудларда ёққан қучли қор транспортлар ҳаракатига жиддий таъсир қўришмоқда.

Қалин қор ёққани туфайли биргина Техасда олтишга яқин автомобил бир-бири билан тўқнашган. Бунинг оқибатида ўнлаб одамлар оғир жароҳатланган. Қурбонлар ҳам бор.

Калифорнияда кўплаб экин майдонлари, апелсин ва лимонзорлар қор остида қолган. Об-ҳавонинг ёмонлашуви туфайли Даллас халқаро аэропортида юзга яқин қатнов бекор қилинган.

● **ЛОНДОН.** Сьерра-Леонеда юз бериш хафви бўлган қуролли тўқнашулар сабаб Буюк Британия ҳукумати бу мамлакатдаги уз фуқаролари ва хорижийликларни тезда бошқа ҳудудларга қўчиришга мажбур бўлмоқда. Буюк Британия ҳарбий авиацияси саксондан ортиқ кишини Сенегал пойтахтига олиб келди. Яна 300 кишини тезда олиб чиқиб кетиш режалаштирилган.

Африқанинг ушбу мамлакатиди бир неча йилдирки ҳукумат қўшинлари билан ишончлар ўртасида қуролли тўқнашулар давом этиб келмоқда. Бу моҳорони бартараф қилиш учун Сьерра-Леонега Ғарбий Африка тинчлик қучлари киритилган эди. Лекин айни пайтда улар ҳам муаммони бутунлай бартараф қилишга ожизлик қилмоқда.

● **ВАШИНГТОН.** АҚШ Давлат департаменти Югославия армияси билан «Косово озодлик армияси» ўртасида бўлиб ўтган ҳарбий тўқнашуларни кескин қоралади. Бу воқеалар Югославия билан халқаро ҳамжамият ўртасидаги келишув ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига зиддир, дейилади АҚШ ташқи сийсат маҳкамаси баёнотида.

Шунингдек, баёнотда Косоводаги қуролли ҳаракатлар тезда тўхтатилмас экан, бу ўнглаб бўлмас оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги таъкидланган.

● **КОБУЛ.** Афғонистонда яширинган ётган Усама бин Ладен Афғонистон Кения ва Танзаниядаги элчионалариди амалга оширилган портлашларда ўзининг иштироки борлигини рад этди. У АҚШнинг «Эй-Би-Си» телекомпаниясига берган интервьюсида ушбу қўпоруқчиликлар орқасида қимлар турганидан ҳабардор эканини айтди. Шунингдек, ибон Ладен ақинда узига нисбатан суиқасд уюштирилгани ҳам маълум қилди.

● **ВАШИНГТОН.** АҚШнинг мустақил тадқиқот гуруҳи Вашингтон маъмуриятига Кубага нисбатан қўрилмаётган иқтисодий жазо чораларини бирмунча юмшатишни таклиф қилди. Уларнинг фикрича, бу жазо чораларининг Кубада демократик тамойилларни қўчайтиришга хизмат қиладиган бандларни бекор қилиш мақсадаги мувофиқдир. Жумладан, АҚШ фуқароларининг «Озодлик ороли»даги қариндош-уруғларига молиявий ёрдам қўриштиришдаги чеклашларни олиб ташлаш бу ерда «янги кубаликлар» тоифаси пайдо бўлишига олиб келиши мумкин.

# Қонун — ижроси билан қучли

бензин, 119,2 тонна дизель ёнилғиси ишлатилган.

Лекин корхона маъмурияти томонидан атмосфера хавосини ифлослантувчи моддаларга нисбатан кескин чоралар қўрилмаган. Жумладан, корхона маъмурияти томонидан 1997 йил мубайнида ва жорий йилда атмосфера хавосини ифлослантувчи захарли газлар инвентари-

# БЕФАРҚЛИК

ли текшириш ўтказдилар. Ўтказилган текшириш давомиди корхона ва ташкилотларда мазкур қонунларнинг ижроси ўта қониқарсиз аҳволда эканлиги маълум бўлиб қолди.

Очиқ турдаги «Йўлдош» акционерлик жамиятининг асосий фаолияти темир йўлда қўрилиш объектларини қуриш бўлиб, бу ерда жами 130 киши ишлайди. Бу корхонада атмосфера хавосини ифлослантувчи асосий манбалар бетон қорши мосламаси, дошқозон ва автоуловлар ҳисобланади. 1997 йил давомиди корхона томонидан қўрилиш ишларига 274 тонна цемент, 389 метр куб шугал, 16834 метр куб қум, 0,257 тонна электрод, 0,375 тонна карбид ишлатилган. Йил мубайнида 56,3 тонна

роқ атмосферага чиқариладиган зарарли моддалар учун вилоят табиати мудофаа қилиш қўмитасидан рухсатнома расмийлаштирилмаганлиги қонунчилик доирасидан четга чиқиб деб баҳоланмоқчи даркор.

Термиз бекотидаги темир йўл ётқизилган майдонни эса нақд ахлатхонанинг ўзгинаси деса ҳато бўлмайдди. Ҳар хил чирқинлар, турли хил минерал ўғитлар, алюминий қуқуни билан қопланган ётқизилди. Термиз ҳудудиди кўзани очирмай қўядиган, игнанинг тешигиди жойдан чанг-тўзон бемалол йўналтири оладиган «Афғон шамоли»нинг тез-тез бўлиб туришини ҳисобга олсак, бу чиқинди, ўғит ва қуқунлар минглаб кишиларнинг соғлиғига салбий таъсир этаётганини англаш мум-

кин. Мазкур корхоналарда бу долзарб масалани қонуний ҳал этиш учун маблаг ахратилмаганлиги ва масъул ходимлар тайинланмаганлигини қандай тушуноқ керак?

Тўғри, Термиз транспорт прокуратураси томонидан текшириш натижасига кўра мазкур корхона ва ташкилотларга махсус тақдимнома ва оғоҳлантириш хатлари юборилган эди. Шунга қарамай, 1998 йил август-сентябр ойлариди улар фаолияти қайта текшириб қўрилганида, тақдимномаларга жавоблар деярли ҳужажқўришга бажарилмаганлиги, ахвол яхшиламанганлиги аниқланди.

Текшириш натижаларига кўра, бу соҳага масъул шахслар Термиз вагон депосидан Ғовур Қирғизбоев, СМП-702 ташкилотидан Фуқрат Бағиров, Абд Оманбоев темир йўл таъмирлаш идорасидан Евгений Селиханов, электр тармоқлари идорасидан Чапай Ҳўжаев, Термиз темир йўл бекати бошлиғи Рашид Хайитовлар тегишли моддалар билан маъмурий жавобгарликка тортилдилар.

Хулоса қилиб айтганда, жойларда раҳбар хондилардан қонунларни нафақат ҳурмат қилиш, балки бу ҳужжатлар доирасида фаолият юритиш талаб этилади.

**А. БҮРИЕВ,**  
Термиз транспорт прокурори, адлия маслаҳатчиси.

# НЕМИС ТИЛИНИ ЎҚИТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мамлакатимиз олий ўқув юртида чет тилларни ўқитиш борасида тадбиркорлик билан иш юритилмоқда. Немис тилидан талабаларга сабоқлар бериш соҳасида ҳам бий тахрирлар тўла-наётганини айтиб ўтиш жоиздир.

Кейинги йилларда ўзбек дунёда бу борада амалга оширилган таълимий жараёнларни умумлаштириш ва навбатдаги мўҳим маърифий режаларни белгилаб олиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси университетлари ва институтларида немис тили фанини ўқитиш муаммолари: янги технология ҳамда услубийтини жаҳонга таътиқ қилиш масалалари» буйича катта илмий анжуман уюштирилди. Тошкент Давлат университети томонидан ташкил этилган немис академик алмашув хизмати ва Гете институти ҳамкорлигида амалга оширилган мазкур маърифий тадбирларда мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртилари кафедраларида мазкур маърифий тадбирлар қатнашдилар. Ўзбекистон фанлар академияси ТИЛ марказининг етакчи мутахассислари ҳам унда фаол иштирок этдилар.

Анжуманда чет мамлакатларда бўлиб, немис тилини ўқитиш жараёни билан яқиндан ошно бўлган ўзбекистонлик мутахассислар ҳам сўзга чиқдилар. Тошкент Давлат университети Тиллар факультетининг ўқитувчиси Одилов Сафаров, немис академик алмашув хизмати мустаасининг масъул ходими Кристиано Шлоттеваларнинг чиқаришлари кўпчилигида қизиқиб ўйотди.

Анжуманда немис тили буйича янги дарсликлар ёзиш, муаллифлик ҳамда немис тилини ўқитишга доир ўқув дастурларини яратиш режалари ҳам белгилаб олинди.

Ақбар АЛИЕВ.

# РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИДА

Республика Кўчмас мулк биржаси ва унинг вилоят филиалларида утган ҳафтада 56 мартаба савдо бўлиб ўтди. Уларнинг 27 таси қимосиди, 29 таси биржа савдоларидир.

Сармоядор юртыдошларимиз, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар, хорижий тадбиркорларга уй-йўқ қуриш учун ер майдонлари, қурилиш тугалланмаган қиновлар, АҚШлар, банкорт бўлган корхоналар мулклари, урта ва кичик корхоналар, савдо ва маъмурий хизмат ишюстволари, уй-йўқ, ўзгўш-сустаноти уюшмаси, Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирилги, Узмевасабазовт-хондиг компанияси тасаруфидидаги кўчмас мулклар, автоуловлар бошқа бир қанча мулклар таклиф қилинди.

Ҳафта давомиди 536 та турли кўчмас мулклар ишбуларомлар ихтиёрига берилди. Уларнинг биржадаги сотув ҳажми 154 млн. 572 миң сумдан иборат бўлди. Шундан ҳафта давомиди қимосиди савдолари орқали 397 та мулк 67 млн. 492 миң сумга, биржа савдоларида эса 139 та мулк 87 млн. 80 миң сумга сотилди.

Мазкур ҳафтада сотилган объектлар сони буйича Сурхондарё вилояти филиали биринчи ўринни эгаллади. Мазкур филиалда 89 та мулк 6 млн. 368 миң сумга сотилди.

Сотув пули буйича эса биринчи ўринга Биржаннинг Тошкент вилояти филиали чиқди. Пойтахт вилоятида 66 та объект 49 млн. 708 миң сумга сотилди. Биржаннинг марказий аппаратида ҳафтанинг энг йирик олдиди-сотиқ шартномалари имзоланди. Марказий аппаратида Тошкент шаҳри Юнусобод туманида қўрилган новдават шаҳадиги 3 қаватли дўхон биноси 31 млн. сумга биржа савдоси орқали сотилди.

Шунингдек, марказий аппаратда мазкур ҳафтада қимосиди савдосиди Сурхондарё вилояти, Қўмуқрон шаҳридаги бошланғич баҳоси 1 млн. 617 миң сум бўлган, 31-сонли АҚШ 2 млн. сумга, Булорчи вилояти Қорақўл шаҳрида қўрилган, бошланғич ба-

Энгил ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг янада яшнаган қўм-қўк майсаларга тикиларканмиш, қалбимизни илик қислар чулғади. Бепоен галлазорларимизда барқ уриб ўсаётган галла майсалари бу бебаҳо бойлигимиз, элнинг ризку-насибаси. Не бахтки, халқимиз, бободех-қонаримиш фидойи меҳнати шарофати ила муҳтарам Президентимиз томонидан ўртага қўйилган бағоят мўҳим вазифа - галла мустақиллигига деярли эришилди. Шу боис, ўз донимиз - ширин нонимиз, дея фахр билан гапирмоқдамиз.

Мамлакатимизда галла майдонлари кенгайиб, бугўдйнинг шароитимизга мос эрта пишар, серҳосил навларини яратиш юзасидан самарали ишлар олиб борилмоқда. Бирок бебаҳо бойлик қадрига етмаётган, экиннинг пайҳон бўлишига йўл қўймаган кимсалар лоқайдлиги, масъулиятсизлиги қимматга тушмоқда. Республика Вазирилар Маҳкамасининг экинларни пайҳон қилишга қарши қурашни фаоллаштириш тўғрисидаги қарориди таъкидланганидек, қўри-лаётган чораларга қарамасдан, экинзорларни пайҳон ва нобуд қилиш ҳўллари ҳамон учрамоқда. Бу эса галла ҳўслининг кўп қисми йўқ бўлишига олиб келмоқда. Буларнинг барчаси ҳўжалик раҳбарлари ушбу масаланинг мўҳимлигини тушуниб етмаётганлиги оқи-батидир.

Мисолларга мурожаат этайлик. Фаргона вилоятининг Ўзбекистон туманидаги Хотамтой қишлоғиди яшовчи Исмаилов Кўчқоров, Езёвондаги қатортоллик Иброҳим Аҳмедовлар шахсий чорва молларини бемалол галлазорда қўйдилар. Натижада катта зиён етказилди, экиннинг муайян қисми пайҳон бўлди. Айбдорлар изза қилинди, улар жарима тўладилар. Бирок гап бунда эмас, ҳар бир фуқаро пайҳонга йўл қўйиш гуноҳи азим эканлигини тўла тушуниб етмаса қўнгил-сиз хол такрорланмайди, деб ҳеч қим кафолат беролмайди.

Вазирлар Маҳкамаси қарориди Ички ишлар вазирилги зиммасига ҳам аниқ вазифалар юклатилган. Шу боис вазирик қўшида махсус штаб тузилди, республика буйича тарбиявий-ташкилий ишлар олиб борилмоқда. Умумий манзара ҳозирча қаноатланарли эмас. Жойлардаги баъзи раҳбару мутахассислар, фуқаролар ўзибуларчиликка йўл қўймоқдалар. Бунинг оқибатида шу йилнинг 2 ноябр кундан 28 декабрига қа-

дар 1526 та пайҳон қилиш ҳўллари аниқланди. Салкам 93 гектар ердаги майсалар уловига қолинди. Рейдлар натижасиди фуқароларга тегишли 4130 бошга яқин қорамол ушланди.

# ПАЙҲОН

Ғаллачиликни ривожлантириш йўлидаги ғов

Расмий маълумотларга қараганда жорий йилнинг 18 декабридан 19 декабригача бўлган вақт ичиди пайҳон буйича жами 95 та ҳолат аниқланди. Фаргона, Сурхондарё, Тошкент вилоятларида мўҳим ишга панжа орасидан қаралаётганлиги маълум бўлди. Ғаллазорлардан 199 та қорамол ушланди. Уларнинг деярли барчаси фуқароларга тегишлидир. 93 фуқаро маъмурий жавобгарликка тортилди, уларга туман судлари томонидан 70770 сум миқдориди жарима солинди.

Назоратчилар Пахтакор туманида бўлишганида «Навбахор» ширкатлар уюшмасиди яшовчи К.Абдураимовнинг икки бош қорамоли галла майсаларини пайҳон қилиб юрганлигини устидан чиқдилар. Шу ернинг ўзида тегишли раҳбарлар, деҳқонлар билан сўхбат ўтказилди. Экинларни пайҳон қилиш қанчалик қимматга тушаётганлиги мисоллар орқали тушунирилди. Ҳўқимликлар томонидан тузилган комиссия раҳбарлиғиди ғаллазорлардан ушланган моллар сўйилиб, гўшт қариялар уйи, болалар бочгалари, махсус мактабларга тарқатилмоқда.

Миришкорларнинг ўзалари тўғри таъкидлашди, қишлоқда яшаётган ҳар бир фуқаро пайҳоннинг олдини олиш ишига муносиб ҳисса қўмса, экинни пайҳон қилиш кечириб бўлмас гуноҳ эканлигини қалбдан тушуниб етсагина, бу ишда мақсадага эришиш мумкин.

Сирожиiddин РУСТАМОВ, «Ишонч» муҳбири.

/ЎзА/

# МЕН СЕНИ АСРАЙИН, ЖОНИМДАЙ...

(Бади)

Хар куни тонгда она табиатни кузатамиз.

Олисдаги тоғлар ёзу-қиш бирдай, вазнини маҳобатли. Бағридаги шалолалар тошдан-тошга урилиб, бир маромда оқаверади. Далаю-боғлар ўз ҳосиласини борликка инъом этгач, оғир тин оладилар. Самода чарх уриб учаётган қушлар саси, юз йиллардан буён жилдираб ётган турнакўз булоқлар товуши қулоқларимизга таниш ва қадрдон. Эсимизни танибмизки, кўзларимиз шу манзараларга ўрганган. Уларда ҳеч бир ғайритабиийлик сезмаймиз.

Инсоннинг юрагида эса шундай бир туйғулар борки, у хар юракда ўзгача садо беради, ўзгача куйланади, ўзгача рангланади. Бу - юрт туйғуси, юрак деворларига чақиндай урилиб, вужудни оловдек ёндиргувчи шу туйғу кўнгил далаларида майсадек барг ёзади, қизгалдоқ бўлиб очилади, ниҳолдайин барқ уриб, яшилланади. Юрак ҳам шу туйғудан қувват олади, яшаради, янгиланади:

**Тонгларнинг зумуррад нурига  
Йўрғаклаб, сен мени улғайтдинг.  
Кўзимнинг минг бир хил рангида  
Ардоқлаб, сўнг сени улғайтдим,  
Ватан!**

Юрт севгиси юракнинг ўзи каби азалий ва абадийдир.

Биз юртни қандай севаемиз?

Ўзининг қадимий шаҳарларини фарзандига битта-битта ўқираётган ота юртни балки биздан кўра кўпроқ севади!

Тақдирини далаю-даштга боғланган, хар чўпу-ҳасини кўзларига суриб яшаётган чўпон йигит балки Ватан туйғусини биздан-да чуқурроқ англади?!

Йил бўйи пешона тери тўкиб, топганини белбоғига тугиб, боласига инглиз тили ўргатувчи муаллима қидириб юрган деҳдон балки Ватанин биздан ҳам яхшироқ қадрлар?!

Бешик бошида ўтириб, гўдагига «тезроқ улғай, элга қанот бўл» дея алла айтаётган келинчак ҳам юрт севгисини бошқалардан теранроқ тушунар, балки?

Боболаримиз Ватанин қандай севган эдилар? Юртни озод қўришни истаган ва шу улғу истак йўлида азиз жонларини қурбон қилган аجدдоқларимизнинг муборак номлари ҳали-ҳануз тарих осмонида ёрқин юлдуз бўлиб порламақда. Агар буй Ватан сўзини шунчаки тилга олсак, ҳеч бир ҳис-ҳаяжонсиз айтсак, бу сўзни арзимас ҳою-ҳавасларимиз билан боғласак... буюк инсонлар руҳи олдида кўп қарздор бўлур эдик. Фарзандларимиз Ватанин қандай севадилар? Болалар боғчаси ҳовлиси ёнидан ўтаётки, шўх мусиқа садолари қулогимга чалинади. Жажжи қизалоқ ширин тиллари билан чулдираб, қўшиқ айтмоққа чоғланади:

**Мен онамни севаман,  
Кенг оламин севаман.  
Сог бўлсин онам, дейман,  
Тинч бўлсин олам, дейман...**

Болалик кезларимдаги бир воқеа ёдимга тушади. Бир куни мактаб кутубхонасидан китоб олдим. Уни ўқиётки, ярмига етгач, кўрдимки бир неча варақлари йиртилганди. Китобдаги нозик сўзлар остига кимдир ҳафсала билан бўяб чизибди. Эндигина ўзим ёқтира бошлаган асар қаҳрамонлари олдида хижолат чеқдим. Эртасига синфимиз деразасига кимдир тош отиб синдирганини эшитдик. Дарсдан қайтаётки, кечагина ўқитувчимиз билан биргаликда ўтказган ниҳолларни кимдир эгиб ташлаганини кўриб қолдик. Анча кунлар ўтиб муаллимимиз бизга «Сиз Ватанин қандай севасиз» мавзусида иншо эзишни топширди. Мен иншога мана бундай сўзларни қораладим:

«Ватанин севиш учун аввало уни ҳурмат қилиш керак. Хар қарич тупрогини асраб-авайламоқ лозим. Юртни севган киши шу юртга хизмат қилаётган хар бир буюмни эъозлайди. Китобларга чизган бола Ватанин севадими. Йўқ, Ниҳолларни синдирган ўқувчи ҳам юртини севомайди. Мактаб деразасига тош отган, муаллимаси дилини оғритган йигитнинг ҳам кўнглида Ватан севгиси йўқ!»

Менин иншом бутун синфга ўқиб берилди. Қайсидир синфдошларимнинг нигоҳларида хижолат учқуни «ярқ» этди. Енгил тортидим.

Она-Ватан - бизники. Истиқлол - бизники. Янги замон - бизники. ЎЗДэунинг учкур отлари - «Нексия», «Дамас», «Тико» автомобиллари ҳам бизники. Жаҳоннинг турли бурчакларига Ўзбекистон номини кўз-кўзлаб учаётган «Боинг», «А-130» самолётлари - бизники. Дунёнинг энг баланд чўққиси - «Зверест»га ўзбек ўғлони қадаб қўйган байроқ - бизники.

Жамики улғу мўъжизалар - бизники. Қаёққа қарасак, кўзимиз қувонади, руҳимиз юксалади ва шу биргина сўзини такрор-такрор айтаверамиз: «Бизники, бизники, бизники!»

«Шу азиз Ватан - барчамизники, унинг истиқболи, келажаги ва фаровонлиги йўлида курашиш хар биримиз учун катта бахтир!» Бу кутлуг даъват бизни нималарга ундамоқда?

Қай ишларга илҳомлантирмоқда? Ўзимизни шу даъватга тайёр, шунга муносиб ва бурчли санаямизми? Ахир юртни севмоқнинг ўзигина кифоя эмас, унга фидо бўлиш ҳам керак. Фидоилик нима? Она юрт тақдирига жон қўйдириш, унга ўзни бағишлашдир. «Ватан равнаки учун бизга фидоий кишилар керак» деган эдилар Президентимиз ҳам. Фидоилик туйғусини аввал юракларда улғайтирайлик дегим келади мен. Зеро, юракларга муҳрланган туйғу юракнинг ўзи каби ардоқлидир. Сўнгра шу туйғу ила юртни севмоқ, юртни асрамоқ лозим.

**... Кўксингда гул бўлиб очилдим,  
Социлсам кўксингда сочилаб,  
Ёларга тиг каби санчилгум,  
Мен сени асрайин, жонимдай -  
Ватан...**

Гулчехра ЖАМИЛОВА.



**Онамларга тортиқ деб севиш  
Безатдим арча.  
Янги йилда бўлсин олам тинч,  
Шод-хуррам барча.**

## МАЪНАВИЯТ ЮКСАКЛИК ДЕМАК

Моҳир шифокор беморнинг аввало руҳини даволаб, уни дарддан фориғ этади. Кишилар қалбига йўл топиш учун шифокор ўз касбининг устаси бўлибгина қолмай, нажот истаб келган беморга ҳамдардлик қила оладиган маънавияти етук инсон ҳам бўлиши лозим. Бу касбда ишлаш учун инсон тақдирини, саломатлигига нисбатан гоёта масъулиятли, меҳри бўлиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бўлғуси умидли шифокорлар маънавий оламнинг бой бўлишига эришиш эса тиббиёт соҳасининг ривожини учун муҳим аҳамиятга эгадир. Худди шу йўналишда Марказий Осмёда ягона бўлган Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Мурғак боланинг дарди этилайдиган касб эгаси болаликнинг бесубор, гўзал оламига кириб, уларнинг меҳрини қозониши муҳим омилдир. Чунки, шифокордан чўчиган болага қараганда, шифокорга таллингач, жажжи кўлларини узатган бола тезда соғайиб кетиши шубҳасиздир.

Бу кутлуг даргоҳда ўз ишини севган мураббийлар талабаларга касб сирларидан малакали сабоқ бериш билан бирга Абу Али ибн Синонинг боқий ҳикматларини уларнинг дилига жо этишга интилоқдалар.

Ишимизнинг ривожини учун аввало, ибратли интизом ҳамда маънавият ва маърифат устувор бўлмоғи лозим. Хар бир ишимизда маъно бўлиши керак, дейди институт ректори - хизмат ташаббуси билан жаҳоннинг кўп-кўп мамлакатларида бўлган. Яқинда эса Англияда бўлиб, хорижлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашдик. Чет эллик касбдошларимизнинг олимларимизнинг салоҳиятига, ёшларимизнинг истеъдодига катта баҳо бериб, юртимизнинг юксак даражада равнақ топишига ишонч билдирдилар. Институтимизда маънавият ва маърифат маркази ташкил этилиб, сермазун ва қизиқарли тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Бу жой- институт фаҳрига, талабаларнинг севимли масканига айланиб қолган. Талабаларга ётоқхоналарда Президентимизнинг соҳамизга оид фармонлари телевизор орқали таништириб берилмоқда. Хар икки ҳафтада имом Исмоил ал-Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний каби алломалар ҳақида талабаларнинг яшаш жойларида суҳбатлар ўтказаямиз, дейди, институтнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича проректори С.Асомов. Институтимиз интернет тармоғига уланиб, энди уни кутубхонага боғлаб компьютерга улаимиз. Яъни, яқин кунларда тиббиёт институтлари орасида биринчилардан бўлиб китобсиз кутубхона барпо эти-

## «АЛ - БУХОРИЙ» ТАЛАБАЛАР САҲНАСИДА

Абдулла Қодирий номили Тошкент Давлат маданият институти маданият-шунослик факультетининг сиртки бўлим талабалари муборак рамазон ойида ҳадис илмининг султони Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий ҳаётига бағишланган «Ал-Бухорий» драматини томошабинлар

ҳукмига ҳавола қилишди. Режиссёр Марат Муқимов саҳналаштирган мазкур асардаг асосий ролларни Гулчехра Холиқуллова, Шокир Сиддиқов, Дилноза Ражаббоева, Наргиза Гафорова каби истеъдодли ёшлар ижро этишди. Имом Ал-Бухорийнинг сафарга отланиши, турли мусулмон мамлакатларида

бўлиши, ҳадис тўплашдаги фаолияти саҳна асариде ҳаққоний тасвирланган, дейди филология фанлари доктори, профессор Малик Муродов, - талантли ёшларимиз хар бир ролни маромига етказиб ижро этишганлиги томошабинларда илиқ тассурот қолдирапти. Абдулла АЙИЗОВ.

### ПУЛНИ ТЕЖАЯПТИМИ ЁКИ...

«Евромонитор» фирмаси социологларининг кузатишларига кўра соғларни турмаклаш ва умуман соғларни парвартиш қилишда Норвегия аёллари тенг келадиганлар йўқ экан. Уларнинг хар бири саргарош хизматидан фойдаланган ҳамда соғни парвартиш учун зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш учун йилга 46 доллар сарфлашар экан. Иккинчи ўринда туркув Япония аёллари эса 43 доллар харажат қилишса, Покистон аёллари бор-ўйги 17 цент кетказишар экан.

### Ихтисослаш тирилган

## «Замин»

**давлат-акционерлик  
ипотека банки кўп  
миллатли Ўзбекистон  
халқини янги 1999 йил  
билан самимий  
муборакбод этади.**

### Азиз юртдошлар!

**Янги йилда барчангизга  
оилавий бахт, мустақкам  
соғлиқ, юртимизга**

**тинч-тотувлик,  
мамлакатимизни гуллаб**

**яшнатиш борасидаги**

**ижодий ишларингизда**

**улкан зафарлар**

**тилаймиз.**

**Янги йил барча**

**оилаларга ва**

**фуқароларга туганмас**

**шодлик, бахт, файз**

**барака келтирсин!**

### «Замин» банки жамоаси.

### Ўзбекистон Республикаси

### «Ёғмойтамакисаноат»

### уюшмасининг ҳўжалик

### ҳисобидаги

### МТ ИНВЕСТ-ИМПЭКС

### ташқи савдо фирмаси

### Ўзбекистон

### меҳнаткашларини кириб

### келаётган янги - 1999

### йил билан чин кўнгилдан

### табриклайди.

### Азиз ватандошлар!

### Янги йилда барчангизга снҳат

### саломатлик, шоду хуфрамлик,

### бахт-саодат, кут-барака

### ҳаммиша ёр бўлсин!

### Ватанимиз

### мустақиллигини

### мустақкамлаш йўлидаги

### саъй-ҳаракатларингизда

### ҳаммангизга каттадан-

### катта ютуқлар тилаймиз!

### Янги йилингиз кутлуг

### бўлсин!

## Янги йил кутлови

«Итибод» санаторийси жамоаси

республикамизнинг барга аҳолисини шу

ҳумладан касаба уюшмаларига қаратили шифо

масканларида хизмат қилаётган ҳамкасбларини

1999 йил билан муборакбод этади.

Янги йилда халқимизга бахт-

саодат ёр бўлишини, дилидаги

орзу-умидлари рўёбга чиқишини

тилайди.

Озод Ўзбекистонимизнинг

порлоқ келажагини куриш

ҳаммамизга насиб этсин.

### «Мутахассис» ўқув маркази

Донмо ишлаб турадиган, пуллик ишга жойлаштирадиган

### КУРСЛАРИ

- газозлектропайвандчилар.
  - ҳамма турдаги юк кўтариш машиналарининг ҳайдовчилари.
  - бульдозерчилик, экскаваторчилик, қувурлар ётқизувчилар.
  - монтажчилар.
  - юк илувчилар.
  - буюкчилар, сувқоччилар.
  - қошимкорлар.
  - дурадгорлар-паркетчилар.
  - пистолетчилар ва бошқалар.
- Ҳамда ишга жойлаштирмасдан**
- ҳисобчилар
  - 2 йиллик бичиш-тиқиш курслари
  - шимлар тикиш тезкор курслари
  - «Люб-Акс» бўйича бичиш
  - инглиз тили
  - компьютерлар
- Ўқитиб ишга жойлаштиради.**  
Машгулотлар 1999 йил 11 январдан бошланади.  
Манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Лутфий кўчаси, 6-уй.  
Тел: 78-05-15, 78-05-17.

### «ДЕЗИНТЕХ» шўъба корхонаси

1998-1999 йилда «ПОЛИСЕПТ» ПГМ дезинфекция қилувчи моддани етказиб бериш учун шартномалар тузишни давом эттирди.  
Ушбу препарат Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги руҳсати билан Ўзбекистон ҳудудида ишлаб чиқарилади. 10кг полисепт моддаси 1 тонна хлор моддасининг ўрнини босади, ҳидланмайди ҳамда 10000 кв.м сиртний тозалайди.  
«Полисепт» номи қонун билан ҳимояланади. Бу номдаги маҳсулотни «Индермед» ХТМ инж. вама руҳсатисиз ишлашти, қуллаш ва реклама қилиш қонун билан тақиқланади.  
Қонунбузарлиқнинг барча қўриниши суд орқали ҳал этилади.  
Сотиб олиш ҳамда шартнома тузиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этинг.  
Тошкент, Катортал кўчаси, 60-уй.  
Телефон: 78-96-98 № MB GU 9700386.3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасидаги Вазирлар Маъжлибидан

**Ишонач**

Баш муҳаррир қабулхонаси - 56-25-36  
Баш муҳаррир уринбосари - 56-52-89  
Масхул котиб - 56-52-78

**БУЛИМЛАР:**  
Касаба уюшмалари ва ихтисослаш - 56-82-79.  
Ахборот ва спорт - 56-87-63. Миланият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва муҳбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тақорит ва ҳуқуқ - 56-85-66.

**ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ:**  
Жиззакла - 3-83-01, Наманганла - 6-22-10.  
Самарқандла - 35-64-24, Фарғонада - 24-58-43.  
Урганчла - 6-03-40, Қаршида - 5-33-71.

**Баш муҳаррир:**  
**Мирғиёс ҚАЮМОВ**

Гавра 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.  
Сотувада эркин нарҳда.  
Маъналияси: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.  
Нашир кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гуноҳноқ сарҳиёланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00  
Топширилди 21.30